

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КУРБАНОВА МУНАВВАР ЭСОНАЛИЕВНА**

**БАДИЙ ТАРЖИМАДА МУАЛЛИФ УСЛУБИ МАСАЛАСИ  
(У. ШЕКСПИР ТРАГЕДИЯЛАРИ ТАРЖИМАЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефераата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Курбанова Мунаввар Эсоналиевна**

Бадий таржимада муаллиф услуги масаласи (У. Шекспир трагедиялари таржималари мисолида).....	3
--	---

**Курбанова Мунаввар Эсоналиевна**

Проблема передачи стиля автора в художественном переводе (на примере переводов трагедий У. Шекспира).....	23
--	----

**Kurbanova Munavvar Esonaliyevna**

The Problem of Author's Style Preservation in Literary Translation (based on translations of Shakespeare's tragedies).....	41
---	----

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ List of published works.....	45
---	----

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КУРБАНОВА МУНАВВАР ЭСОНАЛИЕВНА**

**БАДИЙ ТАРЖИМАДА МУАЛЛИФ УСЛУБИ МАСАЛАСИ  
(У. ШЕКСПИР ТРАГЕДИЯЛАРИ ТАРЖИМАЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Fil749 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.uzswlu.uz](http://www.uzswlu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Умарова Маҳлиё Юнусовна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Содиков Зоҳиджон Якубжанович**  
филология фанлари доктори, доцент

**Асқарова Шаҳноза Камолиддиновна**  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация химояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақами Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_\_\_» соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс: (99871) 230-12-92; e-mail: [uzswlu\\_info@mail.ru](mailto:uzswlu_info@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ рақами реестр баённомаси).

**Г.Х. Бакиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Х.Б. Самигова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., доцент

**Ж.А. Якубов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда бадиий таржима миллатлараро муносабатлар мустаҳкамланишининг муҳим омили сифатида нафакат тиллараро муаммоларни, балки халқларнинг онги ва менталитети, қадриятлари ва маданиятини ўзида жамлаган чуқур илмий-амалий тадқиқотларни ўз ичига олади. Ўтган давр мобайнида буюк адиб - алломалар асарларининг асл ва таржима нусхаларини изчил ўрганиш баробарида муаллиф услубини тадқиқ этишга кучли қизиқиш кузатилмоқда. Зеро, адабиётшунослик, тилшунослик, таржимашунослик сингари бир қатор фанлар кесишувида муаллиф услубига нисбатан қўлланилаётган фанлараро интеграл ёндашув, ижодкорнинг ички оламини, онг ва таффакурини, фалсафий-эстетик қарашларини, яшаган замон ва макон хусусиятларини бадиий таржима аспектида ёритиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё таржимашунослигида айнан бир матннинг бир нечта таржима варианtlари мавжуд бўлгани ҳолда, аслият муаллифи услубининг яхлитлигини сақлаб қолишга қаратилган йўналишлар жадал ривожланмоқда. Таъкидлаш ўринлики, турли тизимдаги тилларда услубнинг муаллифнинг оламни англаш усули сифатида барча элементлар (морфологик, синтактик, лексик-семантик) жамланмасидан келиб чиқсан ҳолда уни ташкил этувчи образлар тизимидан тортиб энг кичик лисоний бирликларгача эътибор қаратиб, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликка эга турли даражадаги элементларга ҳам филологик объект сифатида ёндашиш долзарблик касб этади.

Ўзбекистонда таржимашунослик соҳасида амалга оширилаётган тараққиёт дастурлари, янги ва замонавий ёндашувлар асосида бадиий таржима сифатини оширишга йўналтирилган тадқиқотлар кўлами кенгаймоқда. “Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканлигини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яشاши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ<sup>1</sup>”. Шу маънода буюк инглиз драматурги Уильям Шекспир трагедияларининг бадиий хусусиятлари, услуги ва асарларининг ўзбек тилидаги таржималарини тадқиқ этиш Ўзбекистонда таржимашунослик фанининг имкониятларини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, 2019 йил 3 майдаги

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойdevоридир. // Халқ сўзи, 2017 йил 4 август.

ПҚ-4307-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 24 январидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-хуқукий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқукий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

### **Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Бадиий таржимада муаллиф услуби ва уни сақлаб қолиш масалалари борасида адабиётшунослик, тилшунослик, таржимашунослик нуқтаи назаридан кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Европа таржимашунослигининг XX асргача бўлган даврида бадиий таржимада услугуб масаласи ҳамда Шекспир асарлари тадқиқи борасида сўз юритган олимлар: D. Crystal, J.C. Catford, Dee Waard, Jan and E.A. Nida, Ch.R. Taber, G. Steiner, R.T. Bell, E. Cary, R.E. Jumpelt, T. Seliot, H. Gotzsche, Th. Savory, W. Clemen, R. Dutton, R. M.Frye, R. McDonald, G. McMichael, E.M. Glenn, K. Muir, G. Taylor, G. Wright<sup>2</sup>.

Рус таржимашунослигига таниқли тадқиқотчилар: В.Н. Комиссаров, В.В. Сдобников, В.В. Виноградов, М.Б. Храпченко, В.С. Модестов, В.А. Виноградов, А.И. Ефимов, Н.П. Пинежанинова, О.Г. Ревзина, Д. Дюришин, А.В. Федоров, И.С. Алексеева, С.А. Ахмадеева, Л.С. Бизикоева, М.Ю. Дерябина, З.И. Юрьевна, Ж.В. Сайдовна, Н.Н. Дуринова, Г.А. Орозбаева, О.С. Дешура, В.П. Комарова, М.Н. Новикова<sup>3</sup> нафақат

<sup>2</sup> David Crista, Ben Crystal. Shakespeare's Words: A Glossary and Language Companion. – New York: Penguin Books edition, 2002; Catford, J.C. A Linguistic Theory of Translation. – London: Oxford University Press, 1965; Jan Dee Waard, Eugene A. Nida. From One Language to Another: Functional Equivalence in Bible Translation. –Nashville, TN, Thomas Nelson, 1986; Nida, Eugene A., and Charles R. Taber. The Theory and Practice of Translation. – Leiden, EJ. Brill, 1969; Steiner, George. Aspects of Language and Translation. – London: Oxford University Press, 1975; Bell, Roger T. Translation Theory: Where are we going? – Meta, 1987; Cary, E., and R.E. Jumpelt, eds. Quality in Translation. – New York: Macmillan, 1963; Eliot, T. S. 1919. “Tradition and the Individual Talent”. In Vincent Leitch (ed.), The Norton Anthology of Theory and Criticism. – New York: Norton. 2001; Gotzsche, Hans. Translation of Style: Transformation or Creation. A paper from the First International Hans Christian Andersen Conference Held on August 25–31. – Odense: Odense University Press; Savory, Theodore. The Art of Translation. London: Jonathan Cape. 1957.; Clemen, Wolfgang. Shakespeare's Dramatic Art: Collected Essays. — New York: Routledge, 2005; Clemen, Wolfgang. Shakespeare's Imagery. – London: Routledge, 2005; Dutton, Richard. A Companion to Shakespeare's Works: The Histories. – Oxford: Blackwell, 2003; Frye, Roland Mushat. The Art of the Dramatist. – London; New York: Routledge, 2005; McDonald, Russ. Shakespeare's Late Style. – Cambridge: Cambridge University Press, 2006; McMichael, George; Glenn, Edgar M. Shakespeare and his Rivals: A Casebook on the Authorship Controversy. — New York: Odyssey Press, 1962; Muir, Kenneth. Shakespeare's Tragic Sequence. — London: Routledge, 2005; Taylor, Gary (англ.)русск.. William Shakespeare: A Textual Companion (англ.). — Oxford: Oxford University Press, 1987; Wright, George T. The Play of Phrase and Line // McDonald, Russ Shakespeare: An Anthology of Criticism and Theory, 1945–2000. –Oxford: Blackwell, 2004.

<sup>3</sup> Комиссаров В.Н. Общая теория перевода. Проблемы переводоведения в освещении зарубежных ученых. – М.: 1999; Сдобников В. В. Тактика воспроизведения индивидуально-авторского стиля в переводе художественного текста // Иностранные языки в контексте межкультурной коммуникации: материалы докладов VI Междунар. интернет-конференции «Иностранные языки в контексте межкультурной коммуникации». – Смоленск: Саратовский гос. университет им. Н. Г. Чернышевского, 2014.; Сдобников В.В. К проблеме построения типологии переводческих стратегий // Перевод в межкультурном диалоге:

умумий таржимага оид илмий изланишлари билан танилган, балки бадиий таржиманинг ўзига хос услугбий жиҳатларини ҳам ёритганлар.

Ўзбек таржимашунослигида Ф. Саломов, К. Кароматова, Ф. Сулаймонова, К. Жўраев, Х. Тожиев, И.Faфуров, Р. Иноғомов, Ш. Сафаров, Қ. Мусаев, М. Бақоева, М. Холбеков, Р. Ширинова, М.В. Умерова, Н. Досбаева, Д.Х. Қуронов, Ш. Сирожиддинов, Г. Одилова ва У. Маҳмудова, Д. Султонова, И. Мирзаев, Ф. Раҳимовлар, Г.Х. Ходжибаева, Д. Гулямова, М.Ю. Умарова, Н.Ё. Турдиева<sup>4</sup> каби олимлар ўз ишларида таржимада услуг масаласига доир ўз фикрларини билдиришган.

---

теоретические и прикладные вопросы: Вестник Московского государственного лингвистического университета. Вып. 9(615). Языкоznание. – М.: ИПК МГЛУ «Рема», 2011.; Виноградов В. В. Проблема авторства и теория стилей. – М.: Худож. лит, 1961.; Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – Москва: Писатель. 1975.; Модестов В.С. Художественный перевод: история, теория, практика. – М.: Издательство Литературного института им. А.М. Горького, 2006.; Виноградов В.А. Идиолект // Русский язык: Энциклопедия. – М., 1998.; Ефимов А. И. Стилистика художественной речи. – М.: 1957.; Пинежанинова Н.П. Индивидуальный стиль и звуковая организация поэтической речи. СПб.: Изд-во С-Петербургского ун-та. 1999; Ревзина О. Г. Поэтический идиолект // Очерки истории языка русской поэзии XX века. Поэтический язык и идиостиль. Общие вопросы. Звуковая организация текста. - М.: 1990; Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – М.: «Прогресс», 1979.; Федоров А.В. Основы общей теории перевода (Лингвистические проблемы) / А.В.Федоров. – 4-е изд. – М.: Высшая школа, 1983.; Алексеева И.С. Текст и перевод. Вопросы теории. - М.: Междунар. отношения, 2008.; Михайлова Л. М. Особенности перевода поэтических текстов (на примере сонетов У. Шекспира) // Гуманитарные и социальные науки. 2010. №5. Бизикоева Л. С., Дерябина М. Ю. Проблема перевода метафор в произведениях У. Шекспира (на материале перевода трагедии «Гамлет» на русский и осетинский языки) <http://journal-s.org/index.php/mrsp/article/view/9735>. Зимовец И. Ю., Джабраилова В. С. Проблема перевода архаизмов и историзмов на материале произведений У. Шекспира. <https://scipress.ru/philoogy/articles/problema-perevoda-arkhaizmov-i-istorizmov-na-materiale-proizvedenij-i-shekspira.html> Дуринова Н.Н. Перевод сложных метафор в трагедии У. Шекспира «Макбет» / Вестник Челябинского государственного университета. 2013. № 37 (328). Филология. Искусствоведение. Вып. 86. Орозбаева, Г. А. Социокультурные аспекты перевода трагедии В.Шекспира «Отелло» (по переводу А.Осмонова) / Г. А. Орозбаева, А. Д. Керимбердиева. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. 2009. № 2 (2). Дешура О.С. Проблема перевода художественной литературы с английского языка на русский язык // Современные научные исследования и инновации. 2019. № 11 [Электронный ресурс]. URL: <https://web.s nauka.ru/issues/2019/11/90501>. Комарова В.П. Творчество Шекспира.-- СПб.: Филологический факультет Санкт-Петербургского государственного университета, 2001; Novikova, M. A. (1980). The issues of the individual style in the theory of literary translation. (Translator's stylistics) (Extended abstract of the doctoral dissertation). State University of Leningrad, Leningrad, USSR.

<sup>4</sup> Саломов F. Таржима ташвишлари. –Т.: F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашиёти, 1983.; Саломов F. Адабий анъана ва бадиий таржима. – Тошкент: Фан, 1980.; Кароматова К. Лейтмотивы трагедии У Шекспира «Макбет» в узбекских переводах. АҚД. - Ташкент, 1978.; Сулаймонова Ф. Шекспир Ўзбекистонда. – Тошкент: Фан, 1978.; Жўраев К. Таржима санъати. – Т.: Фан, 1982.; Тожиев Х. Проблемы перевода сонет У Шекспира на узбекский язык. АҚД. - Ташкент, 1985.; Faфуров И., Мўминов О., Қамбаров Н. Таржима назарияси. –Т.: Tafakkur bo`stoni, 2012.; Сафаров Ш.С. Матнинг мураккаблик даражаси ва таржима // Тил. Маданият. Таржима ва мулокот. – СамдЧТИ. – 2016.; Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. Дарслик. – Т.: Фан, 2005.; Бақоева М. Инглиз ва Америка адабиётидан ўзбек тилига шеърий таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари (XX аср таржимачилиги мисолида). –Т.: Фан, 2015.; Холбеков М.Н. Таржимашунослик ва таржима танқиди. – Т.: Наврӯз, 2015.; Раҳимов F. Таржима назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2016.; Ширинова Р. Бадиий таржимада олам миллий манзараси. – Т.: Turon Zamin Ziyo.; Умерова М.В. Полноценность и адекватность перевода в современном переведоведении. // Федоровские чтения. - М.: Наука, 2007.; Досбаева Н. Бадиий таржимада услугб. - Т.: Фан ва технология, 2016.; Қуронов Д.Х. Аслият услубини қайта яратиш ва таржима адекватлиги. // Илмий хабарнома. – 2017. - №4.; Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Т.: MUMTOZ SO`Z, 2011.; Одилова Г., Маҳмудова У. Ўзбек таржимонлари ва бадиий таржималар. – Т.: Янги аср авлоди, 2012.; Султанова Д. А., Ҳалимова Ф.Р. Шеър ва таржима. Ўқув-услубий қўлланма. - Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2009., Ходжибаева Г.Х. Лейтмотивы времени и маски в комедиях Шекспира. АҚД. – Ташкент, 2004., Гулямова Д. Драматургия Шекспира на узбекском языке. АҚД. – Ташкент, 1971., Умарова М.Ю. Тарихий драмада бадиий вақт концепцияси (Шекспир ва Фитрат драмалари мисолида). АҚД. – Ташкент, 2011., Турдиева Н.Ё. Фразеолект Вильяма Шекспира. АҚД. – Ташкент, 2007.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий тадқиқот ишларининг «Таржима муаммолари» илмий мавзусининг таркибий қисми бўлиб, «Таржима назарияси ва амалиёти» факультетининг илмий режаларига киритилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** чоғиштирма аспектда Шекспир трагедиялари мисолида бадиий таржимада “муаллиф услуби”ни тадқиқ қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бадиий таржимада муаллиф услубини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш;

Шекспир услубининг бадиий-лисоний белгиларини ажратиш ҳамда асарларидаги тизимли ва структуравий яхлитликни яратишдаги индивидуал хусусиятни аниқлаш;

муаллифнинг образ яратиш маҳорати ва услубий белгиларининг тиллараро сақланишини очиб бериш;

Шекспир асарлари ва уларнинг ўзбек тилидаги таржималарини лингвостилистик таҳлили орқали муаллиф ҳамда таржимон услублари ўртасидаги ўзаро мутаносиблик белгиларини таҳлил қилиш;

муаллиф услубини ифодаловчи тил бирликларини аниқлаш орқали уларнинг тизимли ва структуравий муқобил шаклларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг обьекти** сифатида У. Шекспирнинг “Ромео ва Джульетта”, “Ҳамлет”, “Отелло”, “Қирол Лир” ва “Макбет” трагедияларининг инглиз тилидаги аслияти ва уларнинг ўзбек тилидаги таржима вариантлари асосида намоён бўлган муаллиф услуби масаласи танланган.

**Тадқиқотнинг предметини** инглиз трагедияларининг ўзбек таржималаридаги муаллиф услуби ва уни яратувчи лисоний воситаларнинг қайта яратилиши ва аслиятга мутаносиблиги муаммолари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуllibari.** Тадқиқотда лингво-поэтик таҳлил усули, семантик-структурный ва қиёсий-тарихий таҳлил усуllibаридан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

таржимада муаллиф услубини етказиша учрайдиган таржимани эркин талқин қилиш, таржима меъёрларини бузиш, таржима матнида хронологик адаптациянинг йуқолиши, асарнинг миллий-маданий жиҳатларини адаптация қилиш, шакл ва мазмун номутаносиблиги каби концептуал хатоларни аниқлаш орқали муаллиф услубини сақлашга қаратилган таржима сифатини баҳолаш мезонлари такомиллаштирилган;

Шекспир трагедияларининг тарихий-адабий таҳлили ва муаллиф асарларининг услубий белгиларини ажратиш орқали муаллиф услубини етказиша эстетик ва лингво-стилистик хусусиятларнинг шахсий лисоний тасвири шакллантириш омили эканлиги исботланган;

Шекспир асарларининг ўзбек тилидаги таржималарида услубий белгиларнинг сақлаб қолинганлик даражасини грамматик, лексик-семантик, лингво-стилистик ҳамда эстетик сатҳларда очиб бериш орқали бадиий

таржимада муаллиф услуби бўйича умумфилологик ёндашувлар ишлаб чиқилган;

Шекспир услубидаги тил воситаларининг тизимили ва структуравий яхлитлиги, унинг образ яратиш маҳорати, муаллиф асарларидағи образларнинг ўзбек тили таржима вариантидаги талқини жиҳатлари билан боғлиқ тил ва маданиятга хос аслият матнидаги образлар муқобилларининг қайта яратилишида таржимон-шоирнинг услубий таъсири исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

диссертацияда ёритиб берилган «муаллиф услуби» тушунчаси ҳамда назм таржимаси учун алоҳида аҳамият касб этувчи муаллиф услубининг хусусиятлари аникланган;

аслият тилидаги асар муаллифи ва таржима муаллифи услублари ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг ўзига хос хусусиятлари аникланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** обьектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танлаб олинган манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий қарашлар ва хуносаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган хуносаларнинг бадиий таржимада муаллиф услубини сақлаб қолиш бўйича таклиф этилган таҳлилий ишлар бошқа ёзувчи ва шоирлар асарларини ўзбек тилига таржима қилишда ҳам қўлланилиши, мазкур илмий иш материалларидан таржимага оид амалий машғулотларда ҳам фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот натижа ва хуносаларидан «Бадиий таржима», «Қиёсий стилистика», «Таржимашунослик» ва «Лингвомаданиятшунослик» фанлари ва маҳсус курсларни ўқитишида ҳамда ўқув қўлланмалари, дарслик, мажмуа, луғатлар яратишида; докторлик ва магистрлик диссертациялари, мақолалар, битирув малакавий ва курс ишларини ёзишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Бадиий таржимада муаллиф услубини таҳлил қилиш бўйича ишлаб чиқилган назарий ва амалий натижалар асосида:

таржимада муаллиф услубини етказишида учрайдиган таржимани эркин талқин қилиш, таржима меъёрларини бузиш, таржима матнида хронологик адаптациянинг бузилиши, асарнинг миллий-маданий жиҳатларини адаптация қилиш, шакл ва мазмун номутаносиблиги каби концептуал хатоларни аниқлаш орқали муаллиф услубини сақлашга қаратилган таржима сифатини баҳолаш мезонларига доир хуносалардан Самарқанд давлат чет тиллари институтининг “Internationalization and Modernization of Education and Processes in the Higher Education of Uzbekistan” номли фундаментал лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил 27 апрелдаги 933/30.02.01-сон

маълумотномаси). Натижада, Шекспир асарларини ўзбек тилига таржима қилишда соҳавий терминшунослик, лугатшунослик ва халқаро маълумот алмашинуви тизими самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

Шекспир трагедияларини тархий-адабий таҳлили ва муаллиф асарларининг услубий белгиларини ажратиш орқали муаллиф услубини етказишида эстетик ва лингво-стилистик хусусиятларнинг шахсий лисоний тасвири шакллантириш омилларига оид илмий-назарий хулосаларидан Андижон давлат университетининг «Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиши» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил 15 апрелдаги ОТ-Ф1-18-сон маълумотномаси). Натижада, бадиий таржимада муаллиф услуби бўйича умумфилологик назарий ва амалий ёндашув тамойиллари ишлаб чиқилган;

Шекспир асарларининг ўзбек тилидаги таржималарида услубий белгиларнинг сақлаб қолинганлик даражасини грамматик, лексик-семантик, лингво-стилистик ҳамда эстетик сатҳларда очиб бериш орқали бадиий таржимада муаллиф услуби бўйича умумфилологик назарий ва амалий ёндашув тамойилларига оид илмий-назарий маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг «Ўзбек ва инглиз тилларининг электрон инсон қиёфаси, феъл-автори, табиат ва миллий тимсоллар тасвири поэтик лугатини яратиш» номли инновацион лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 6 мартағи И-ОТ-2019-42-сон маълумотномаси). Натижада, Шекспир трагедиявий асарларининг услубий белгиларини ажратган ҳолда тархий-адабий ва лингвистик таҳлил этишга хизмат қилган;

Шекспир услубидаги тил воситаларининг тизимли ва структуравий яхлитлиги, унинг образ яратиш маҳорати, муаллиф асарларидаги образларнинг ўзбек тили таржима вариантидаги талқини жиҳатлари билан боғлиқ тил ва маданиятга хос аслият матнидаги образлар муқобилларининг қайта яратилишида таржимон-шоирнинг услубий таъсирига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чоратадбирлар дастури»нинг 35-банди доирасида келтирилган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 26 мартағи 01-12-01-1625-сон маълумотномаси). Натижада Шекспир асарларининг ўзбек тили таржималарида услубий белгиларнинг ютуқ ва камчиликлар далилланганлигига оид илмий натижалари баёни китобхонлик маданиятини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжумандада, шу жумладан, 2 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг

докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда З та мақола эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 139 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** (диссертация аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, обьекти ва предмети, усуслари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Бадий таржимада муаллиф услуби тадқиқининг илмий ва назарий асослари**» номли биринчи бобида бадий таржима ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда назарий асослари ўрганилган. Бунда турли олимларнинг таржима<sup>5</sup> ва унинг мақсади<sup>6</sup>, аслият ва таржима матнидаги адекватлик ва эквивалентлик<sup>7</sup> ҳамда таржима матни иккиласи мартин<sup>8</sup> сифатида берилган фикрлари келтирилиб, шарҳлаб ўтилган.

Шунингдек, бадий таржиманинг<sup>9</sup> бошқа таржима турларидан фарқли жиҳатлари ва ундаги маданиятлараро муштаракликни таъминлаш борасидаги фикрларга муносабат билдириб ўтилди ҳамда бадий таржимада муҳим ўрин тутувчи тасвирий ифода воситалари ва уларни услубнинг муҳим белгиси сифатидаги тутган ўрни масаласига муносабат ифодаланган.

Бугунги кун тилшунослари таржима жараёнида муаллиф услубининг барча хусусиятлари назарда тутилиши лозимлигига эътибор қаратадилар. Буни И.А.Кашкин қуйидагича таъкидлайди: «...муаллифнинг индивидуал услуби, унинг ўз тили ифода воситаларидан ижодий тарзда фойдалана олиши таржимада тўлалигича акс этиши лозим, чунки айнан шу орқали ўқувчига аслиятнинг ғояси ва бадий моҳияти, муаллифнинг индивидуал ва миллий ўзига хослиги етказилиши мумкин»<sup>10</sup>.

Бадий таржимада аслият адекватлигини таъминлаш ва унда муаллиф услубини сақлаш борасида, асосан, таржимашунос олимлар тадқиқот

<sup>5</sup> Мико Ф. Передача звучания при переводе лирической поэзии // Поэтика перевода: сборник / Составл. С.Ф. Гончаренко Текст. / Ф. Мико. -М.: Радуга, 1988.- С. 57. 235с.

<sup>6</sup> Швейцер А.Д. Перевод и лингвистика. – М.: Воениздат, 1973. - С. 75.

<sup>7</sup> Федоров А.В. Основы общей теории перевода (лингвистические проблемы). – М.: ООО «Издательский Дом «ФИЛОЛОГИЯ ТРИ», 2002. – С. 27-28.

<sup>8</sup> Нестерова Н. М. Вторичность как онтологическое свойство перевода. – Пермь: ПГТУ, 2005. – С. 103.

<sup>9</sup> Сирожидинов Ш., Одилова Г. Бадий таржима асослари. - Т.: - “Мумтоз сўз”, 2011. – Б. 6.

<sup>10</sup> Кашкин И. А. Для читателя-современника: статьи и исследования. – М.: Сов. писатель, 1977. – С. 384.

ишларини олиб боришган. Масалан, Н.П.Пинежанинова<sup>11</sup> ва О.Г.Ревзина<sup>12</sup>нинг тадқиқотларида товушли тузилма индивидуал услуг компоненти сифатида ўрганилиб, товуш ва мазмун ўртасидаги алоқадорлик келтириб ўтилган. Тадқиқот соҳасининг торлигига, яъни индивидуал услугнинг фақатгина товуш жиҳати ўрганилганига қарамасдан, мазкур тадқиқот “муаллиф услуби” тушунчасини кенгайтиришга сезиларли ҳисса қўшган дейиш мумкин. Чунки тадқиқот муаллиф услубини лексик компонентларнинг қатъий қолипидан ташқарига олиб чиқиб, тилнинг фонетик қатламини индивидуал услуг таркибий қисми сифатида намойиш этишга хизмат қилган. В.П.Григорьев<sup>13</sup> эса, таржиманинг адекватлигини таъминлаш ва аслиятдаги муаллиф услубини сақлашни, асосан, грамматик жиҳатдан ўрганган. Муаллиф ўз қарашлари билан муаллиф услубини тизимли тасвирлашга эҳтиёж борлигини кўрсатиб беради.

Бадиий таржимада муаллиф услуби масаласига доир бир қатор ўзбек таржимашунос олимлари ва тадқиқотчиларининг ҳам фикр ва талқинлари мавжуд. Таржимашунос олим F.Саломов ўзининг «Таржима назарияси асослари» номли илмий асарида бадиий таржима ва таржима тарихи билан бир қаторда, бадиий таржимада услуг масаласига алоҳида эътибор қаратган. Унда олим урғуни, асосан, таржимада ёзувчи ва таржимон услубидаги ўхшашилик ва тафовутга қаратади. Рус тадқиқотчиларидан фарқли ўлароқ, у таржимада муаллиф услубини етказиб беришда бир ёқламалиқдан қочиш, фақат грамматик, лексик ёки шу каби алоҳида жиҳатларни ажратган ҳолда эмас, аксинча, барча аспектларни ҳисобга олиб иш кўриш лозимлигини таъкидлайди. Таржимада муаллиф услубини намоён қилиш «мувофиқ услуг калитини топиш асарнинг ёзилиш услуби билан ғояси ҳамда муаллиф дунёқараши ўртасидаги боғланишни тўғри белгилаш, маром, оҳанг, синтактик тарз ва образлар силсиласига хос хусусиятларни тўғри тайин қила билишга боғлиқ»<sup>14</sup>.

Таржимада услубни сақлаш борасида бир қатор қийинчиликлар келтириб чиқарувчи бир жиҳат борки, бу нафақат муаллиф услубига, балки асарда акс этган давр услуби ва айрим ҳолларда асардаги миллий калоритни намоён этувчи маъноларга путур етказади. Бу архаик сўзларнинг таржимадаги эквивалентини топиш масаласидир. Олим бу масалага ҳам атрофлича тўхталиб ўтган.

Н. Досбаева ўз тадқиқот ишларида муаллиф услуби борасида: «Аслият услубини таржимада тўла-тўқис сақлаш ундаги миллий рух ва умуман миллийликни акс эттириш масаласига бориб тақалади»<sup>15</sup>, - дея эътироф

<sup>11</sup> Пинежанинова Н.П. Индивидуальный стиль и звуковая организация поэтической речи. – СПб.: Изд-во С-Петербургского ун-та. 1999. – С. 52.

<sup>12</sup> Ревзина О. Г. Поэтический идиолект // Очерки истории языка русской поэзии XX века. Поэтический язык и идиостиль. Общие вопросы. Звуковая организация текста. -М.: 1990., Ревзина О.Г. Марина Цветаева // Очерки истории языка русской поэзии XX века. Опыты описания идиостилей. -М.: 1995.

<sup>13</sup> Григорьев В. П. Грамматика идиостиля: В. Хлебников. –М.: 1983. – С. 224

<sup>14</sup> Саломов F. Таржима ташвишлари. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1983. – Б. 38.

<sup>15</sup> Досбаева Н. Бадиий таржимада услуб. – Т.:”Фан ва технология”, 2016. – Б.31. URL: <https://kitobxon.com/uz/online-reader/3952> (мурожаат санаси 18.11.2020)

этади. Бадий асарда ёрқин ифодаланувчи хусусиятлардан бири бу – миллийлик мадҳидир. Асардаги деярли ҳар бир жумла муаллифнинг миллатини ўзида сақлайди. Бадий нутқда, образлар тасвирида, пейзаж ва портрет тавсифида миллийлик белгилари намоён бўлади. Таржима жараёнида айнан мана шу миллийликни етказиб бериш муаллиф услубини сақлаб қолишни таъминлайди.

Д. Қуронов грамматик ва пунктуацион хатоликларга эътибор қаратиш орқали таржима матнида аслиятдаги мавжуд психологик таъсир механизмига путур етганини мисоллар ёрдамида қўйидагича асослаб берган: «Ҳолбуки, жумланинг синтактик қурилиши фикрнинг ўзига хос оқими, динамикасини, нутқнинг интонацион хусусиятларини ўзида намоён этади»<sup>16</sup>. Шунингдек, олим: «Таржимада муаллиф услубининг йўқолиши – унда муаллиф шахсининг адекват акс этмаслиги, демак, асарнинг чала (яъни таглама мақомида) ўтирилганига далолат қиласди»<sup>17</sup>, - дея таъкидлайди.

Таржимада муаллиф услубини етказишида учрайдиган концептуал хатолар ва ғализликлар қўйидагича бўлиши мумкин: а) таржиманинг эркин талқин кўринишида бўлиши; б) таржима ғайритабиий чиқиб, таржима тили нормаларига мувофик бўлмаслиги; в) таржима матнида хронологик адаптациянинг бузилиши; г) асарнинг миллий-маданий жиҳатлари таржимоннинг шахсий қарашлари нуқтаи назаридан адаптация қилиниши; д) шакл ва мазмун уйғунлиги сақланмаслиги кабилар.

Ҳар бир муаллиф ўзига ҳос ижодий-бадий услугуга эга. Унинг ўзига ҳос қирралари бадий-тасвирий воситалар мажмуида намоён бўлади: стилистик сатҳда: эпитетлар, қиёслаш, метафоралар, муаллифлик неологизмлар, лейтмотивлар, полисемантик сўзлар, киноя, «сўзловчи» ном ва топонимлар, диалектизмлар ва бошқалар; ҳамда аслият матнининг фонетик, морфемик, лексик ва синтактик сатҳларда. Ушбу воситалар бадий образ яратишга хизмат қилиб, таржима таҳлилида алоҳида эътибор талаб этади. Ижодкорнинг услуби орқали бутун бир миллатнинг маъданияти, тарихи ва келажаги, урф-одатлари, дунёвий ва диний қарашлари намоён бўлади. Асар муаллифи услуби ижодкорнинг тафаккур доирасини, ҳис-туйғуларини, қалб кечинмаларини, умуман олганда, унинг шахсини ифодалайди. Буларни таржимада мақбул тарзда етказиб бериш мутаржимдан катта маҳорат талаб қиласди. Бадий услуг – бу муаллифнинг асарларига ҳос бўлган эстетик ва лингво-стилистик хусусиятлар тизимиdir. Барча хусусиятлар жамланмаси шахсий лисоний тасвирни шакллантириб, муаллиф услубини тўлиқ яратади. Муаллифнинг шахсий услуби унинг асарларини бошқа муаллифларнинг шунга ўхшаш асарларидан фарқлаб турувчи асосий белги саналади. Шу сабабли, бадий таржима зиммасидаги асосий масъулият муаллиф услубини сақлаб қолишдир.

**Диссертациянинг «Шекспир услубининг бадий-лисоний хусусиятлари» номли иккинчи бобида Шекспир услубидаги тил**

<sup>16</sup> Қуронов Д.Х.. Таржима услубини қайта яратиш ва таржима адекватлиги. Илмий хабарнома. – 2017. - №4. – Б.72

<sup>17</sup> Ўша манба. – Б.74.

воситаларининг тизимли ва структуравий яхлитлиги, унинг образ яратиш маҳорати, муаллиф асарларидағи образларнинг ўзбек тили таржима вариантидаги талқини ва таржимадаги ўзига хос жиҳатлари ўрганилган.

Шекспир услубининг ўзига хос бадиий-лисоний ва грамматик хусусиятлари қаторида қўйидагиларни ҳам эътироф этиш жоиз: 1) сўзларни бир-бирига бириктириб, янги сўзлар ясаш; 2) кенг оммага таниш бўлган лексикани қўллаш; 3) сўзга янги маъно-мазмун юклаш орқали унинг маъносини контекстда кенгайтириш; 4) қаҳрамонлар нутқининг тажнисларга бойлиги; 5) эллиптик шаклдаги гапларнинг қўлланилиши; 6) лексик-стилистик воситалардан унумли фойдаланиши; 7) антик давр мифологиясидан ўзлаштириб олинган номлар ва образлар; 8) образ яратишида рамзларни қўллаш.

Шекспир тилида учрайдиган сўзлар шу қадар бўёқдор ва сермазмунки, ўз-ўзидан бу хусусият адиб қўллаган сўзлар сонидан кўра, улардаги мазмунга боғлиқлиги яққол кўзга ташланади. Мисол тариқасида инглиз тилида кўп маъноли (полисемантик) сўз ҳисобланувчи “free” сўзини Шекспир: эркин, мустақил, бемалол, бирор-бир ишга тайёр, очиқ, ихтиёрий, сахий, соглом, баҳтли, ғамсиз, бепарво, бегуноҳ, зарарсиз, олижсаноб, назокатли каби маъноларда қўллайди. Инглиз луғатларида келувчи “free” сўзи, аслида, бепул, озод, эркин, очиқ, мустақил, ихтиёрий, бўши маъноларини англатади. Баъзи ўринларда кўчма маъноларда қўлланилган юқоридаги каби сўзлар маъно жиҳатдан бир-бирига яқин эмас. Аммо маълум ҳолатларда асар ғоясини очиб бериши билан бир қаторда, контекстуал маънени ҳам тўлдира олган.

Шекспир нафақат инглиз адабий тилига кўп сонли янги сўзларни олиб кирган, балки, янги маъноли сўзларни ясашга ҳам улкан ҳисса қўшган. Аммо унинг тилда мавжуд бўлган сўзлардан саноқсиз микдорда янгидан-янги бўёқдорликларни ҳосил қилгани алоҳида эътиборга молик. Айниқса, тилнинг лексик сатҳларида учрайдиган турфа тасвирий-ифода воситалари: троплар ва уларнинг турлари; метафора, ўхшатиш, синекдоха, муболага ва кичрайтириш, аллигория, ирония, сарказм, жонлантириш, эпитет, сифатлаш, метонимијалардан ўринли фойдаланганлиги драматург мероси қимматини янада оширган.

Шекспирни, одатда, уч бирлик, яъни вақт, макон ва ҳаракат қонуниятларини бузган инсон сифатида бошқа мумтоз ёзувчилар билан таққослашади. Шу билан бирга, драматург қўллаган метафораларни ўрганиб чиқиб, метафоралар бирлиги қонуниятини ҳам ўзгартирган ижодкор сифатида кўриш мумкин. Метафоралар ақлий фаолият, ижтимоий онг ва тафаккур маҳсули ҳисобланади. Шекспир қўллаган метафоралар оригиналлиги туфайли бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган. “My way of life Has turned into the sear, the yellow leaf” [Mcb., Act V, Sc 3, P. 25-26] - “Менинг ҳаёт йўлим саргайган баргга айланди”, - дейди Макбет. Ушбу жумладан иккита маъно келиб чиқади: “my way of life” – “менинг ҳаёт йўлим” Макбет босиб ўтган ҳаёт йўли, яъни Макбетнинг ўтмиши. “the yellow leaf” - “саргайган барг” Макбетнинг бугунги куни. Инглиз халқи ёзувчиси, шу билан бирга, ўз даврининг таниқли классицизм ёзувчиси ҳисобланган

Александр Поп Ушбу жумладаги “way” (йўл) сўзини “may” (май) сўзига ўзгартиради: “Менинг ҳаётимдаги май сарғайган баргга айланди”. Бу ўринда Поп “may” (май) сўзини баҳор фаслига қиёсан олган дейиш мумкин. Шундай бўлса-да, биз илгари айтиб ўтган Уолтер Ролей “way сўзи ўрнига мавжудотга ва мурожаатидан бир жумлани мисол тариқасида келтирсак: “Was the hope drunk Wherein you drest yourself?” [Merch., Act I, Sc 1, P. 54]- “Сен кўнгил берган умид сарҳуш эдими ё?” Бу жумлада бир қарашда образларнинг тартибсиз аралашмаси кўзга ташланади: умид сарҳуш мавжудотга ва мавжудот жангчининг курол-яроғига қиёсланмоқда. Лекин келтирилган гапга динамик ривожланиш юзасидан қаралса, гапнинг икки қисмли алоҳида котекстуал маънога эга эканлигини қўришимиз мумкин. Бунда Макбет хонимнинг эрига *истеҳзоли* мурожаати, яъни “Қирол бўлишни орзу қилганингда сарҳушмидинг?” ҳамда курол-яроққа бурканиб олган Макбетни қаҳрамонона, катта журъат билан ҳаракат қилишга ундови мавжуд. Бу каби мисоллардан Шекспир драмалари ўргасидаги ҳаракатсизлик ва доимий ҳаракатдаги стилистик фарқларга гувоҳ бўлиш мумкин.

Шекспир услубининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири образлиликка бойлик саналади. Адабиётшунослар ва тилшунослар тадқиқ учун ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайдиган антик давр мифларидан ўзлаштириб олинган «килмий» образлар эса, оддий томошабинга тушунарсиз бўлиши мумкин эди. Бирок Шекспир образларининг аксарият қисми «Глобус» театри саҳнасини ҳар томондан қуршаб олган халқ онгига осонлик билан етиб борган. Сабаби, Шекспир услубининг образлар яратиш принциплари уларни реал тасвирилаш, сўзлари ва имо-ишоралари персонажларига тегишли ва уларнинг ўзидан вужудга келиши, қаҳрамонлар тасаввурлари ҳам содда ва тушунарли бўлиши, халққа таниш бўлган мифологик образлардан фойдаланиши, ўз даврига хос бўлган миллий-маданий хусусиятларни матнда ўзлаштирилиши кабиларга таянади. Образлар тизимининг муваффақиятли яратилиши Шекспирнинг тил семантикаси ниҳоятда бой ва серқирралиги билан бевосита боғлиқ. Лингвостилистик воситалар орасида Шекспир эпитет, метафора ва бошқалар қаторида тажнисдан кенг фойдаланган. Шекспирнинг грамматикаси ва синтаксиси ўзига хос бўлиб, кўплаб сўзларга янги грамматик вазифалар юклаш ва эллиптик шаклдаги гапларни қўллаш орқали ўзига хос услугуб яратишга эришган ва ушбу услугуб орқали жаҳон адабиётида абадий муҳрланган тўлақонли бадиий образлар яратишга эришган.

Ушбу бобда Шекспирнинг Ж. Камол томонидан таржима қилинган «Ромео ва Жульетта» ҳамда «Макбет» трагедияларида ўзбек таржимони муаллиф услубини ўзига хос бадиий-лисоний хусусиятларини қай тарзда акс эттиргани кўрсатиб берилган. Жамол Камол мазкур трагедиялар таржимасида сўзларнинг эквивалентига имкон қадар ахамият бериб, тасвирий ифода воситалари таржимасини ўрнида қўллай билиши образ

<sup>18</sup> Richard J. Sir Henry Irving: A Victorian Actor and His World. A&C Black, 2005. – 134 р.

характерининг тўлиқ ёритиб берилишига сабаб бўлган. Шекспир трагедиялари, асосан, оқ шеърда ёзилган бўлиб, таржимонларга асарни ўгиришда қофия ва шакл кўп ҳам муаммо туғдирмайди. Аммо таржимада аслият ва мазмунни сақлаш жуда муҳим. Таржимон ҳам буни ҳис қилган ҳолда аслият мазмуни ва шу билан бирга, образ талқинини таржимада жуда ёрқин бера олган ва натижада, нутқнинг янада таъсиричи қишишига эришган.

**Тадқиқот ишининг учинчи боби «Шекспир трагедияларининг ўзбек таржима вариантлари: аслият ва таржима мутаносиблиги»** деб номланган. Мазкур бобда драматургнинг «Ҳамлет», «Қирол Лир» ва «Отелло» трагедияларининг ўзбек тилига қилинган бевосита ва билвосита таржимаси таҳлили орқали, аслият муаллифи тили ва услубининг ўзига хос хусусиятларининг таржималардаги мутаносиблиги мисоллар ёрдамида кўрсатилган. Трагедияларнинг ўзбек тилига қилинган таржима вариантлари таҳлилида Максад Шахзода, Fafur Fулом ва Жамол Камол каби таржимонларнинг машаққатли ижодий меҳнатлари самараси намоён бўлган. Шекспир асарлари эски инглиз тилида ёзилган мумтоз асарлар бўлишига қарамай, таржималарда аслиятдаги шакл ва мазмун ҳамда муаллиф услубининг сақлангани таҳсинга сазовор. Уларда айрим жузъий камчиликлар бўлса-да, ушбу ҳолат асарларнинг умумий мазмуни ва услубнинг йўқолишига сабаб бўла олмаган.

Мазкур бобда кўпроқ қирол Лир образини яратишда қўлланилган бадиий-тасвирий воситалар таҳлилига ва уларнинг таржимаси муқобиллари таҳлилга тортилган. «Қирол Лир» трагедияси Fafur Fулом томонидан воситачи тил, яъни рус тили орқали таржима қилинган, Жамол Камол эса, бевосита инглиз тилидан ўзбек тилига ўтирган. Трагедия давомида қирол Лир серқирра образ кўринишида гавдаланган бўлиб, унинг энг таъсирили ифодаси қуйидаги қаторларда намоён бўлган: *«I am bound upon a wheel of fire, that mine own tears do scald like molten lead.»*<sup>19</sup> («Мен олов ғилдирагига боғланганман, менинг кўз ёшлиарим эритилган қўргошин каби куйдиради», таржима ўзимизники – МК). Ушбу қаторларда фариштасимон қизига адолатсизлик қилиб, уни уйдан қувиб солган Лир чуқур қайғуда ва виждон азобида тасвирланган. Муаллиф ғамга ботган ота образининг оғир руҳий холати, унинг ҳиссиётлари ва туйғулар экспрессиясини таърифлаш учун бир қатор услубий воситалардан фойдаланган. «Олов ғилдираги» – анъанавий дўзах метафораси сифатида, қадимги грек афсонаси билан боғлиқ<sup>20</sup>. Унга кўра, Иксион деган одам ўз гуноҳлари(зино) учун, унга ишонч билдирганларга сотқинлик қилгани учун олов ғилдирагига боғланиб, азобланган. Юқоридаги ибора виждон азоби жаҳаннам азобига тенглаштирилган. Ушбу мазмунни янада кучайтириш мақсадида, драматург ўхшатиш (simile) – «*like molten lead*» («эртилган қўргошин каби») услубий воситасидан ҳам фойдаланган бўлиб, «*do*» ёрдамчи феъли орқали («ҳақиқатдан ҳам») уни ҳиссий жиҳатдан янада жонлантирган. Ўқувчи ушбу

<sup>19</sup> The Complete Works by William Shakespeare. – UK: Oxford University Press 2005. – P. 936.

<sup>20</sup> <https://www.britannica.com/topic/Ixion-Greek-mythology>

жумладан надомат оташида күйіб, күз ёшлари ёноқларидан шашқатор оқаётган инсоннинг ички кечинмаларини аниқ тасаввур эта олади. Яна бир муҳим жиҳат борки, бунда Шекспир сўзловчининг кечинмаларини янада таъсирчан қилиш ва унга мунгли мусиқа оҳангини киритиш учун аллитерацияни қўллаган: «*scald like molten lead*». Бунда «л» товушининг аллитерацияси ноодатий бўлса-да, қаҳрамон нутқининг таъсирчанлигини оширишга бир қадар ҳисса қўшган деб айта оламиз.

